

ЛОЙИХА-СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН ШАРТНОМА № 11

28 03 2022 йил

Наманган шаҳри

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси номидан Низом асосида иш юритувчи директор Д. Матмусаев бир томондан ва кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритиладиган "STANDART SANOAT SERVIS" Ma'suliyati Cheklangan Jamiyati номидан Низом асосида иш юритувчи директори Р.Долиев, мазкур Наманган вилояти Мингбулок тумани "Пахтакор" МФИ ҳудудидан оқиб ўтувчи "Сирдарё" дарёсининг чап қирғоқ дамбасининг ПК 254+20 дан ПК 257+30 гача бўлган 310 метр узунликдаги чап қирғоқ дамбасини мустаҳкамлаш, объекти учун лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш шартномасини тузиб имзоладилар.

I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. Бажарувчи мазкур шартнома шартларига кўра лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаб бериш (ЛСХ си ва бирламчи лойиха олди ҳужжатлари билан бирга) лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Бажарувчига лойиха-смета ҳужжатларини бажариш учун зарур бўлган шароитларни яратиш, уларни қабул қилиш ва инвестор томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

2.1. Мазкур шартнома бўйича, ишчи лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаб бериш учун Бажарувчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати жорий нархларда ККС сиз 30 000 000 ташкил этади (Ўттиз миллион сўм)

2.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиш мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- ✓ ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ✓ ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

2.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи, Бажарувчи ўртасидаги шартномага кўшимча қелишув битими билан расмийлаштирилади.

III. БАЖАРУВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича Бажарувчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

✓ барча ишларини мазкур шартномада ҳамда унинг I иловасига мувофиқ лойиха ишларни бажариш учун смета назарда тутилган ва муддатларда ўз кучи билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

✓ ишларни бажариш давомида Буюртмачи томонидан талаб қилиб бориладиган маълумотлар ва шошилинч (оператив) сўровларни ўз вақтида ҳамда белгиланган муддатларда тақдим этиш;

✓ бажарувчи томонидан объект бўйича тайёрланган (ишлаб чиқарилган) лойиха смета ҳужжатларидаги қабул қилинган лойиха ечимлари ва ҳисоб китоб ишлари бўйича кейинчалик аниқланган камчиликлар қолдириб кетилган иш ҳажмларидаги йўл қўйилган хатоликлар натижасида етказилган зарарларни бажарувчи томонидан тўла қошлайди;

✓ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.2. Бажарувчи мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучи билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда тайёр муҳандислик ҳисобларини ўз вақтида топшириш учун Буюртмачи олдида тўлиқ ҳамда мулкый жавоб беради.

IV. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

✓ ишлар бажарилиши шартномада қайд этилган Бажарувчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Бажарувчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

✓ Бажарувчининг барча мурожаатларини 10 (ўн) кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

- ✓ Бажарувчига инвестор томонидан ажратилган маблағлари ҳисобидан аванс бериш ва
- ✓ жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

✓ Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

V. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

5.1. Буюртмачи Бажарувчига шартнома бўйича ишларни умумий, шартномавий-жорий қийматининг 30 % фоизини олдиндан тулаб беради колган 70% ни бажарилган ишлар далолатномаси имзолангандан сўнг тулов амалга оширилади.

VI. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

6.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатларни юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

6.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда **Бажарувчи** ва **Буюртмачи** ишларни давом этдириш ёки уларни вақтинча тўхтатиб туриш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

6.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармасдан ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

✓ иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди:

✓ Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, инвестор томонидан ажратилган маблағни ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Бажарувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,2 фоизи** миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг **30 фоизидан** ошмаслиги лозим.

✓ Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларини ўз вақтида бажармаганлиги бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,5 фоизи** миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги лозим.

✓ Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Бажарувчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **0,5 фоизи** миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги керак.

✓ Пеня тўлаш Бажарувчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Наманган туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

IX. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

9.1 Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

9.2 Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

9.3 Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

9.5 Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

9.6 Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

9.8.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги ПФ-6313-сонли Фармони талабларидан келиб чиқиб,

- тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугагандан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликни;

- тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлашни;

- ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга ҳилоф равишда норасмий пул ёки моддий қийматликлар олинмишида йўл қўйилмаслик ва тақлиф этмасликни қафолатлайди.

9.9 Мазкур шартнома 3 нусхада тузилади ва газначилик бўлими рўйхатидан ўтгандан сўнг қучга қиради.

IX.ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

БУЮРТМАЧИ:

Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона
буюртмачи инжиниринг компанияси
Манзил: Наманган ш. Амир Темур кўчаси 105-уй
Телефон: 233-06-11
ш/х*: 100021860144017016881018095
бюджетдан маблағ олувчи СТИРи: 204 808 298
ОКЭД: _____

Газначилик бўлини маси номи: Ўзбекистон
Республикаси Молия Вазирлиги Газначилиги
Газна х/в.: 2340 2000 3001 0000 1010
Тошкент шаҳри Марказий Банк УЎҚМ
МФО: 00014, СТИРи: 201 020 019

Директор: Д. Матмурдиев



БАЖАРУВЧИ:

“STANDART SANOAT SERVIS”
Maʼsuliyati Cheklangan Jamiyati
Наманган шаҳар, Маргилон кўча 16 уй,
Х/Р 20208000500401429001,
ДАТ “Асака банк”
Наманган филиали, МФО: 00231
ИНН: 303054208 ОКЭД 71100,

Тел : +99890 555-36-42,
электрон почта: Standart.17list.ru

Директор: Р.Долиев



Ҳуқуқий экспертиза-хулосаси

Ушбу пудрат шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ҳуқуқий экспертиза қилиб, шартнома лойиҳаси қонунчилик ҳужжатларига мос келишлигини аниқладим.

Шу сабабли, ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Компания ҳуқуқий маслаҳатчиси

К.Тулашев

« _____ » _____ 2022 йил

“Наманган вилояти Мингбулак тумани “Пахтакор” МФЙ худудидан окиб утувчи “Сирдарё” дарёсининг чап киргок дамбасининг ПК254+20 дан ПК257+30гача булган 310метр узунликдаги чап киргок дамбасини мустахкамлаш”

С М Е Т А

Лойихаловчи ташкилот номи: «Стандарт саноат сервис» МЧЖ

Буюртмачи ташкилот номи: «Наманган вилоят хокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси»

№№ т.р.	Ишлар турлари	№ жадвал булим ва кисмлари	Нархни хисоблаш	Нархи ,сум
	“Наманган вилояти Мингбулак тумани “Пахтакор” МФЙ худудидан окиб утувчи “Сирдарё” дарёсининг чап киргок дамбасининг ПК254+20 дан ПК257+30гача булган 310метр узунликдаги чап киргок дамбасини мустахкамлаш”	«Лойиха-кидирув ишлари нархини аниклаш тартиби хакидаги Низом. Узбекистон республикаси курилиш вазирлигининг 2019йил 19августдаги №396 сонли карори	1441600000* 0,020810211	30 000 000
	Жами			30 000 000

30 000 000 (Уттиз миллион) сум

«Стандарт» МЧЖ
директори:



Р.Далиев

ЛБМ :



А.Мамаджанов

МУХОКАМА АХБОРОТИ

«28» март 2022 йил

Наманган ш.

Наманган вилояти ҳудудидаги Наманган вилоят ҳокимлигининг ягона буюртмачи.Инжиниринг компанияси ташкилоти томонидан 2022 йил 7 март № 22110012047668 -сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли “Давлат харидлари “ тўғрисидаги қонунни 56 ва 58 моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича **Мингбулоқ тумани "Пахтакор" МФИ ҳудудидан оқиб ўтувчи "Сирдарё" дарёсининг чап қирғоқ дамбасининг ПК 254+20 дан ПК 257+30 гача бўлган 310 метр узунликдаги чап қирғоқ дамбасини мустахкамлаш.** режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли “Давлат харидлари “тўғрисидаги қонунни 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур савдо якуни бўйича **STANDART SANOAT SERVIS** МЧЖ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокида энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари “тўғрисидаги қонунни 62 моддасига асосан Давлат буюртмачиси томонидан расмийлаштирилган кунда Давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.Шунга асосан икки иш куни ичида танлов иштирокчилари томонидан танлов ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, буюртмачи ва харид комиссияси томонидан ёлиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкинлиги белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Компания директори



Д.Матмусаев

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 47668 на приобретение Мингбулоқ тумани "Пахтакор" МФИ худудидан оқиб ўтувчи "Сирдарё" дарёсининг чап қирғоқ дамбасининг ПК 254+20 дан ПК 257+30 гача бўлган 310 метр узунликдаги чап қирғоқ дамбасини мустахкамлаш.

Способ проведения электронный

Дата 18.03.2022

Время рассмотрения 16.03.2022 10:28

Конкурсная комиссия Вилоят хокимлигининг Ягона буюртмачи инженеринг компанияси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	YULDASHOV KOMILBOY GANIYEVICH	Иқтисодий масалалар бўйича директор ўринбосари	Наманган вилоят ЯБИК
Секретарь комиссии	TO'XTABAYEV AKRAMJON BOQIYEVICH	Бош мутахассис	Наманган вилоят хокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси
Член комиссии	SAYDAXMEDOV ISLOMxon ABDUMAXMUDXON O'G'LI	"Лойиха ва пудрат ташкilotлари фаолятини мувофиқлаштириш бўлими" бошлиғи	Вилоят қурилиш бош бошқармаси
Член комиссии	DEDAXANOV FARXOD BAKHODIROVICH	Бош мутахассиси	Наманган вилоят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси
Член комиссии	JALILOV SHOKIRJON ZOKIRJONOVICH	Етакчи мутахассиси	"SHAHARSOZLIK Hужжатлари EKSPERTIZASI" ДУК Наманган вилоят филиали
Член комиссии	BEGMURODOV SARDOR BEGMUROD O'G'LI	"Архитектура лойихалаш ва бош режаларга риоя қилиш устидан назорат бўлими" бошлиғи	Вилоят Қурилиш Сохасида худудий инспекцияси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 18.03.2022 года № лота 47668.

Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по разработке проектно-сметных работ
Подробное описание	Мингбулоқ тумани "Пахтакор" МФИ худудидан оқиб ўтувчи "Сирдарё" дарёсининг чап қирғоқ дамбасининг ПК 254+20 дан ПК 257+30 гача бўлган 310 метр узунликдаги чап қирғоқ дамбасини мустахкамлаш.объектини лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш
Количество товара	1.00

Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	30 316 800.00
Стартовая сумма	30 316 800.00
Валюта	UZS

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по разработке проектно-сметных работ
Подробное описание	Мингбулоқ тумани "Пахтакор" МФИ худудидан оқиб ўтувчи "Сирдарё" дарёсининг чап қирғоқ дамбасининг ПК 254+20 дан ПК 257+30 гача бўлган 310 метр узунликдаги чап қирғоқ дамбасини мустахкамлаш.объектини лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	6 398 400.00
Стартовая сумма	6 398 400.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлаш иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари, салохияти (2019-2020-2021 йиллар бўйича) тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги тўғрисида маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
STANDART SANOAT SERVIS MЧЖ	20	20	15	Экспертная		
ГУП SUVLOYIXA	20	2019-2020-2021 йиллар молиявий ҳолати бўйича маълумотлар иловалари билан бирга келтирилган	20	Экспертная		

Критерий №2 Мавжуд оргтехника (компьютер, принтер, лойихалаш дастурлари) ва бошқалар рўйхати,

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
STANDART SANOAT SERVIS MЧЖ	20	20	15	Экспертная		
ГУП SUVLOYIXA	20	Оргтехника жихозлари	15	Экспертная		

Критерий №3 Лойихачи ташкилот ҳақида умумий маълумотлар.

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
STANDART SANOAT SERVIS MЧЖ	20	20	19	Экспертная		
ГУП SUVLOYIXA	20	Умумий маълумотлар	19	Экспертная		

Критерий №4 Лойихалаш (Қурилиш) майдонини кўрганлик ва лойихани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома.

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
STANDART SANOAT SERVIS MЧЖ	5	5	5	Экспертная		
ГУП SUVLOYIXA	5	Объект Лойиха бош муҳандиси томонидан ўрганилди	2	Экспертная		

Критерий №5 Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида ёрдамчи лойиха ташкилотни жалб қилиш тўғрисида маълумот -

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
STANDART SANOAT SERVIS MЧЖ	5	5	2	Экспертная		
ГУП SUVLOYIXA	5	Барча ишлар корхонанинг ўз кучи билан бажарилади	2	Экспертная		

Критерий №6 Лойихачи ташкилотнинг ташкилий структураси

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
STANDART SANOAT SERVIS MЧЖ	5	5	3	Экспертная		
ГУП SUVLOYIXA	5	Структура илова қилинади	3	Экспертная		

Критерий №7 Танлаш иштирокчисининг охириги уч йилда (2019-2020-2021) лойиҳалаш ишлари бўйича бажарган иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
STANDART SANOAT SERVIS MЧЖ	20	20	15	Экспертная		
ГУП SUVLOYIXA	20	Охириги 3 йилда бажарилган иш тажрибаси	15	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
STANDART SANOAT SERVIS MЧЖ	36 715 200.00	30 000 000.00	14.03.2022 20:16:51	100.00
ГУП SUVLOYIXA	36 715 200.00	34 300 000.00	15.03.2022 10:54:17	87.46

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
STANDART SANOAT SERVIS MЧЖ	Прошел	100	100
ГУП SUVLOYIXA	Прошел	87.46	87.46

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 47668 от 18.03.2022 года на приобретение Мингбулоқ тумани "Пахтакор" МФИ худудидан оқиб ўтувчи "Сирдарё" дарёсининг чап киргоқ дамбасининг ПК 254+20 дан ПК 257+30 гача бўлган 3 10 метр узунликдаги чап қиргоқ дамбасини мустахкамлаш. определила победителем:

STANDART SANOAT SERVIS MЧЖ
303054208

и резервный исполнитель: ГУП SUVLOYIXA (201059078)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии

Член комиссии	DEDAXANOV FARXOD BAXODIROVICH	Согласен	
Председатель комиссии	YULDASHOV KOMILBOY GANIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	JALILOV SHOKIRJON ZOKIRJONOVICH	Согласен	
Член комиссии	SAYDAXMEDOV ISLOMxon ABDUMAXMUDXON O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	BEGMURODOV SARDOR BEGMUROD O'G'LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП